

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ А НИНГ ТУРЛИ КЛИНИК ВАРИАНТЛАРИ ПАТОГЕНЕЗИДА ИММУН ЖАВОБНИНГ ЎРНИ

¹Артиқов Икром Ахмеджанович

²Мирзажоновна Донохон Баходировна

³Султонова Гулрух Юнусалиевна

¹ Урганч давлат тиббиёт институти

^{2,3} Тошкент давлат тиббиёт университети

Тадқиқот мақсади. Вирусли гепатит А нинг турли клиник шаклларида иммунологик ва яллиғланиш механизмларининг патогенетик аҳамиятини аниқлаш ҳамда уларнинг касаллик оғирлиги билан боғлиқлигини баҳолаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотда 19–25 ёшдаги ВГА билан касалланган 89 нафар бемор ва 21 нафар амалий соғлом шахс иштирок этди. Беморлар касаллик оғирлигига кўра енгил (35), ўртача оғир (33) ва оғир (21) гуруҳларга ажратилди. Қон зардобидида TNF- α ва HGF миқдори иммунофермент таҳлил усулида аниқланди. Статистик таҳлил «Statistica 6.0» дастурида ўтказилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. ВГА нинг турли оғирлик даражаларида қон зардобидидаги TNF- α ва HGF кўрсаткичлари ўрганилди. TNF- α даражаси касаллик оғирлиги ортиши билан мутаносиб равишда ошиб борди: енгил шаклда $48,93 \pm 1,45$ пг/мл, ўртача оғир шаклда $64,00 \pm 2,21$ пг/мл ва оғир шаклда $97,59 \pm 3,11$ пг/мл ни ташкил этди. Назорат гуруҳида мазкур кўрсаткич $20,60 \pm 1,23$ пг/мл бўлиб, барча гуруҳларда фарқ статистик жиҳатдан ишончли бўлди ($P < 0,001$). Бу TNF- α нинг ВГА да яллиғланиш жараёни фаоллиги ва касаллик оғирлигини акс эттирувчи муҳим иммунологик маркер эканлигини кўрсатди. HGF даражаси ҳам ВГА билан касалланган беморларда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли юқори бўлиб, енгил шаклда $450,32 \pm 20,59$ пг/мл, ўртача оғир шаклда $555,56 \pm 22,59$ пг/мл ва оғир шаклда $563,04 \pm 23,78$ пг/мл ни ташкил этди (назорат гуруҳида – $259,67 \pm 22,20$ пг/мл; $P < 0,001$). HGF миқдорининг ошиши жигар зарарланишига жавобан регенератив-компенсатор механизмларнинг фаоллашганини кўрсатади. 14 кунлик даволашдан сўнг оғир ВГА да TNF- α даражаси стандарт терапия фонида $90,72 \pm 2,06$ пг/мл ($P < 0,05$), комплекс терапияда эса $87,27 \pm 2,67$ пг/мл гача ($P < 0,01$) пасайди. Бироқ кўрсаткичлар назорат даражасига етмагани яллиғланиш жараёнининг сақланиб қолганини кўрсатди. HGF бўйича статистик аҳамиятли ўзгаришлар аниқланмади.

Хулоса. TNF- α ва HGF кўрсаткичлари ВГА нинг оғирлик даражаси ва терапия самарадорлигини баҳолаш учун истиқболли маркерлар бўлиб, уларни

мониторинг қилиш индивидуаллаштирилган даволаш тактикасини
такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

